



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 25 (9521).

• 1989 йил 4 февраль •

Баҳоси 5 тиيين.



ЎЗГАРИШЛАР КЎЗ ЎНГИМИЗДА

муҳим тадбирлар туфайли коллективимиз охириги ўринлардан олдинги сафларга чиқиб олди.

Янгича шаронда янгича иш усуллари қўлланиш туфайли асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларимиз тубдан яхшиланди.

Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш режими ишлаб чиқариш ва социал ҳаётини янада ривожлантиришнинг имкониятларини очмоқда. Одамлар унумли ва сифатли ишлашдан катта манфаат кўрмоқдалар. Кейинги йилларда 90 мингдан ортиқ темирўлчининг маоши оширилди. 2000 йилга бориб ҳар бир ишчи ойига ўртача 270 сўмдан маош оладиган бўлади. Ўтган йили мингдан ортиқ оила янги квартираларга кўчиб ўтди. 420 ўринли богча темирўлчиларнинг фарандларини ўз бағрига олди. Барча қўлайликларга эга бўлган профиллакторий қуриб битказилди.

Перспектив план асосида 2000 йилгача коллектив аъзоларига 10 мингга квартира қуриб берилади. Уларнинг фарандлари учун эса

2810 ўринли ишонерлар лагери, 3970 ўринли богча ва ясли, 7364 ўринли мактаб, дам олиш зоналари, даволаш муассасалари, соғломлаштириш-спорт иншоотлари бунёд этиш кўзда тутилмоқда. Ҳозирги кунда замонавий лойиҳа бўйича Калинин районидаги Назарбек посёлкасида 500 ўринли кўп профили шифохона комплекси қуришмоқда. Ҳар бир палата 1—2 нафар беморга мўъжалланган. Шифохона энг замонавий медицина ускуналари билан таъминланган. Беморларни минерал сув билан даволовчи физиотерапия қоруси ҳам яратилмоқда. Бунинг учун махсус артезиан қудуғи қазилди. Тошкент шаҳрида эса болалар касалхонасининг даволаш қоруси, медицина билан юрти студентлари учун 200 ўринли ётоқхона қуриляпти.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг аҳоли саломатлигини муҳофаза этишнинг янада яхшиланган соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирла-

ри ҳаридаги қарориди тўғри таъкидланганидек, одамлар саломатлиги учун фақат Соғлиқни сақлаш министрлиги эмас, айни пайтда қорхона, ҳўзасик ва таъкилотлар ҳам масъулдир. Қайта қуришнинг бу талабини Николой Андреевич яхши билади.

Сайлов кампанияси қизғиш паллага кирган ҳозирги даврда СССР халқ депутатлигига номзодлар сайловчилар билан учрашиб, ўз программаларини баён этмоқдалар, кўпроқ хайрихоҳлар тўплашига ҳаракат қилмоқдалар. Биз ҳам ўз номзодимизнинг СССР халқ депутати бўлиб сайланиши учун курашамиз. Мен барча медицина муассасалари коллективлари номидан Ўрта Осиё магистрал транспортларини СССР Халқ депутатлигига номзод Николой Андреевич Белогуров учун овоз берингиз даъват ятаман.

Ш. ЭШОНХУЖАЕВ.

Ўрта Осиё темир йўли врачлик-санитария хизмати бошлиғи.

САЛИМА— ҒОЛИБ

■ САЛИМА Чингиз тоева январь ойида ҳам Янгийўлдаги Мехнат Қизил Байроқ ордени «Коммунизм» колхози қорвадорлари ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилди.

ЎН ИККИНЧИ беш йиллик учинчи йили якунига кўра ҳам унга биринчи ўрин насиб этган эди. Ўшанда у ўзига бериштилган 16 бош сипирнинг ҳар биридан 3400 килограммдан маҳсулот топширганли. Январь ойида ҳар бир говмушдан 250 килограммга етказиб сўт соғиб олди.

Мусобақа ғолиби айни пайтда ҳам моллар парварлисининг яхши йўлга қўлиб, бир сипирдан кунига 7—8 килограммдан сўт соғиб олмақда.

Х. ТЕМИРОВ.



ХХР билан ҳамкорлик

● ТОШКЕНТДАГИ ностандарт асбоб-ускуналар экспериментал тажриба-механика заводи халқаро миқёсда ҳамкорлик қила бошлади. Бу ерда Хитой Халқ Республикаси билан тузилган шартнома асосида термослар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лойиҳага мувофиқ ҳар йили 200



мингта шундай рўзгор буюмни тайёрланади. Суратларда: мастер А. Умаров (таъдид), қуювчи Р. Аҳмедов ва ишлов берувчи М. Икромовлар маҳсулот сифатини текширмоқдалар. Илгор токарь У. Саъдуллаев.

А. Зуфаров фотолари.

САЙЛОВОЛДИ КУРАМИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ УНДАН ЧЕТДА ТУРИШЛАРИ МУМКИНМИ?

Ривожланиб бораётган ошкоралик, жамиятимизнинг демократиялашуви бутун партия ишини қайта қуришни тақозо этмоқда, партия ташкилотлари олдида жуда кўп мураккаб масалаларни қўймоқда. Сайлов кампаниясида партия ташкилотлари қандай шакл ва усуллар билан қатнашиши керак, умуман улар ўз позициясига эга бўлиб, уни ҳимоя қилишлари лозимми, деган савол ана шу масалалардан биридир.

Ҳозир демократия ҳар томонлама ривожланаётганлигини ҳисобга олиб, партия сайловолди курашида қатнашишдан воз кечиши керак, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасига аравлашишга, уларга ўз фикрини тикштиришга ҳақиқат эмас, деган гап-сўзлар эшитилиб турибди.

Бизнингча, бундай мулоҳазалар бутунлай нотўғридир. Агар сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси тўғрисида гапирилганидан бўлиб, у яширин овоз бериш ҳосасида намоён бўлади, у ерда объектив шартларга кура ҳеч қим сайловчи қимнинг фамилиясини ўқиб, қимни қолдириш ёки бўлганга эътибор қилиш тўғрисида буйруқ беролмайди. Агар сайловолди ташвиқоти тўғрисида гап борадиган бўлса, одамларни ишонтира билиш, номзодларни тўғри танлашга ташвиқ қилиш партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолган ва шундай бўлиб қолмоқда. Зотан, партия мамлакатимизда етакчи сиёсий куч ҳисобланади. Шундай экан, у сайловда жуда муҳим сиёсий кампаниядан четда туриши мумкинми? Демократия ва кишиларнинг фаоллиги қучайиб бораётган шароитда қайта қуришнинг соғлом кучлари тасдиқи ўсиши билан бирга тор манфаатлар, шахсий даражалар, маҳаллийлик интилишлари, группавозлик, баъзан эса, қатъий миллатчилик элементлари намоён бўла бошлаган шароитда партия ташкилоти асло четда туролмайди. Шунинг учун партия ишчилар, кишлоқ меҳнаткашлари, зиёлилар орасидан энг муносиб номзодлар, шу жумладан, партия ва давлатнинг етакчи раҳбарлари халқ депутатлари бўлиб қолиши учун ғамхўрлик қилиши, табиийдир.

Жамоат фикрини янги усуллар билан, одамларни ишонтириш йўли билан, ташвиқот ва тарғибот қилиб, очқошқора шакллантиришга ҳамма жойда ҳам ўрганаётганлар. Баъзи жойларда партия комитетлари (айтиш керакки, область партия комитетининг бефарқ қараб туриши билан) одамларнинг ҳозирча етарли актив эмаслигидан фойдаланиб, омма орасида изчил тушултириш иши олиб бориш ўрнига муносиб номзодлар кўрсатилишини таъминлаш учун эски, умрини ўтаб бўлган усуллар билан иш қўрибди. Бундай номзодларнинг фазилатлари ва шахсий хислатлари ҳеч қимда шубҳа туғдирмайди, албатта. Бироқ партия комитетларининг аппарати олиб борган иш форма ва методлари одамларда табиий равишда салбий фикр қўзади. Бунинг учун бизни «Ташкентская правда» газетаси сўхилларида ҳақоний танқид қилишди, деб ҳисоблаймиз. Шу йил сентябрь ойида маҳаллий Советлар депутатлигига бўладиган сайловлар давомида партия комитетлари ишидаги кўрсатилган камчиликлар бар-тароф этилади, деб ўйлаймиз. Умуман, сайловларга тай-ёргарлигини ўтган босқичи

— номзодлар кўрсатилиши босқичини баҳолаганда шунинг қайда қилиш лозимки, одамлар фаоллиги қучайди, бу сиёсий кампания кўпроқ демократик асосда ўтди. Бунинг қуйидаги факт ҳам кўрсатиб турибдики, 16 та территория ва миллий-территориал округлар бўйича 114 номзод кўрсатилди, номзодларнинг аксарият кўпчилигини сайловчиларнинг ўзлари юқоридан ҳеч қандай таъсирсиз ўз ташаббуслари билан кўрсатдилар. Номзодликка кўрсатилганлар орасида 25 ишчи ва оддий колхозчи, 39 инженер ва хизматчи, улар орасида аралар, ўқитувчилар ижодий зиёлиларнинг вакиллари бор, корхона, ҳўжалик, институтларнинг 29 нафар раҳбари, 4 ҳарбий, 7 партия ходими, 20 нафар аёл, 19 партияси, 4 нафар ВЛКСМ аъзоси, 9 миллат вакиллари бор.

Аксарият меҳнат коллективлари, аҳоли истиқомат жойлариди янгиликлар СССР халқ депутатлигига ўзларининг энг муносиб вакиллари номзод қилиб кўрсатдилар. Улар орасида Тошкентдаги 2-автомобил ҳайдовчиси Йўлдош Тожиёвич

ишловчиларнинг 80 проценти аёллардан иборат бўлгани қайда бирлашма ишининг орқага кетишида айби нисбатан камроқ, депутатлик иш тажрибасига эга бўлган ҳалол ишловчи илғор меҳнаткаш аёл топилмадикини!

Шахс сифатида, инсон сифатида, директор сифатида Расул Ғаниевич сира қарши эмасман. У ёш, истиқболли раҳбар. Унинг бошчилигида бирлашмада ишлаб чиқаришни тубдан реконструкциялаш иши бошланди, коллектив қолоқликдан чиқади, деб ишонгинг келади. Лекин шунинг ҳам ўйлаш лозимки, СССР халқ депутати бўлиш — қатъий жамоатчилик вазифасини юклайди. Агар коллектив яхши ишлаб, биринчи шахснинг вақтинча бўлмаслиги ишлаб чиқаришга жиддий таъсир қилмаслигига ишонч бўлганда директор номзодини кўрсатиш тўғриси бўларди. Бироқ ҳозирги вазиятда Расул Ғаниевич депутатлик ишини тўлиқ куч билан бажара олармикан! Чунки давлат микросидаги масалаларни ҳал этишга тўғри келади. Биринчи навбатда коллективни қолоқликдан чиқа-

ган, лекин округ территориясида яшовчи, бўлажак депутатлар манфаатларини ёқиб қучувчи кишилар) кўрсатилган номзодлар тўғрисида ўз фикрини айтиши учун уларнинг ҳўқуқларини қай йўл билан камситмаслик мумкин! Округ йиғилишларида бу йиғилишларнинг қонуний ўтишини, тўла демократияни қандай таъминлаш мумкин! Бу саволларнинг ҳаммасига округ сайлов комиссиялари жаваб топишлари керак. Партия комитетлари ва ташкилотлари бундан ўзларини четга олишлари мумкин эмас. Сайлов йўқазми билан боғлиқ бўлган ҳамма ташкилий тадбирларда округ сайлов комиссияларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш лозим. Йиғилишларнинг ишида ҳам партия ташкилотлари илоҳи борида активроқ қатнашишлари лозим. Шаҳар ёки район партия комитетлари сиёсий ташкилот коллектив органни сифатида сайловолди йиғилишда қатнашиш учун ва белгиланган вакиллик нормасига мувофиқ бюро ёки пленум номидан ўз вакиллари халқ қилувчи овоз бериш ҳўқуқи билан юбориш ҳақида округ сайлов комиссиясига аява беришга тўла ҳақлидирлар. Бундан ташқари, коммунистлар, йиғилиш қатнашчилари, КПСС Уставига мувофиқ округ сайловолди йиғилиши давомида умумий платформани ишлаб чиқиш учун муваққат партия группани тузишлари мумкин. Сайлов кампаниясининг ҳозирги ва бундан кейинги босқичларида партия ташкилотлари жонли сўз, ишончли далиллар кучидан тўлиқ фойдаланишлари, жамоатчилик фикрига демократик таъсир кўрсатишнинг ҳамма формаларини ишга солишлари лозим.

Бироқ равшанки, юқориде айтилганлардан сайловолди кампаниясида бирон номзодни сўнғий равишда ажратиб кўрсатишга йўл қўйиш мумкин деган маъно келиб чиқмайди. Ҳамма номзодларга, уларни партия комитети қўллаб-қувватлайдими-йўқми, бундан қатъий назар бир шариот яратиб берилиши керак. Регионнинг социал-иқтисодий тараққиёти муаммоларини тўғрисидаги маълумотларни олишда, ўзининг сайловолди платформасини гезеталарда эълон қилишда, сайловчилар билан учрашувларда ва шу қабилида ҳеч бир кандидатга тўқсунлик қилинмаслиги керак. Партия комитетлари ва ташкилотлари сайловолди курашида халқ депутатлари тўғрисидаги Қонун доирасида қатнашишлари лозим.


Партия бўғинларининг ҳамма ишлари партия Марказий Комитетининг 1989 йил январь Пленумида қабул қилинган КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида кўрсатилган сайловолди программасига мос келиши жуда муҳимдир.

Умуман, ҳозирги кампаниянинг боришини таҳлил этиш одамлар активлиги ўсиб бораётганлиги, уларнинг бефарқ қолмаётганлигидан далолат бермоқда. Бу — ҳақиқат баҳсларда тўғилишининг, қайта қуришнинг энг муносиб тарафдорлари сайланшининг гарови ҳисобланади.

С. МОСКАЛЕНКО,

Тошкент область партия комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлими мудирининг биринчи ўринбосари.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



● БУТУНИТТИФОҚ халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Электротехника» павильонида оригинал илмий ишланмалар кўргазмаси ташкил этилди. Бу электр ускуналари, турли ўйинчоқлар ва бошқа маҳсулотлар келажакда ишлаб чиқаришга жорий этилади. Суратда: электр асбоб ва ўйинчоқлар нусхалари.

О. Булдаков фотоси.

● ИВАНОВО. Тўқимачилик институти билан Лодзь илмий-тадқиқот институти газлама ишлаб чиқариш чоғида хом ашёнинг нобуд бўлишини мумкин қадар қамайтирадиган қурилмани ишлаб чиқишга киришди. Автоматлар зиммасига фақат битта, лекин муҳим вазифа юкланади, у ип узилиши билан қўқоқ пилта узатишни тўхтатиб қўяди, бу эса қамчил бўлиб турган толини анчагина тежаш имконини беради. Биродарлашган икки шаҳар мутахассислари илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида тузган шартномада ҳозирнинг ўзидаёқ лабораторияларда тўпланган тажрибани баҳам қўриш ҳисобига тўқимачилик санаятида кам чиқитил технологияни яратиб вазифаси қўйилган.

● КАЛИНИНГРАД. Калининград областидаги ҳар уч корхонанинг бирда хом ашё, материаллар ва ускуналарнинг нормативдан ортиқча запаслари тўпланиб қолган. «Калининградгласнасти» бошқармаси ҳузурда тузилган ҳўжалик ҳисоби асосида ишловчи эҳборот — савдо-сотик маркази ана шу ресурсларни реализация қилишда меҳнат коллективларига ёрдам бермоқда. Марказ мамлакатнинг кўнгина шаҳарларида ҳаридорлар топди, улар билан тўпланиб қолган материал бойлиқларини харид қилиш учун бир ярим мингга яқин савдо-сотик битими тузилди. (ТАСС).



● МОСКВА. Аёлларнинг бу байрам либосини Бош универсал магазини модел-ляжи яратилган ва янги йил кийимлари намоишида кўрсатилди. В. Созина фотоси. ТАСС фотохроникаси.

26 март—СССР халқ депутатлари сайлов куни

Ақбаров, «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тоқари Юрий Иванович Степаненко, «Одигарон» совхози сут соғувчиси Ҳўрмайти Уроқова, Ҳамза номиди давлат академик драма театрининг актриси Зикир Мурхаммадинов, Чиноз райониди «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозни пахтачилик бригадасининг бошлиғи Фикрет Сефершоев, Бўстонлик райониди 22-ўрта мактаб ўқитувчиси Турсун Жумабоевна Казекова ва бошқалар бор.

Шу билан бирга сайловолди кампаниясининг ўтган босқичини таҳлил этиш партия комитетлари ва ташкилотлари ишида баъзи нуқсонлар борлигини кўрсатмоқда. Уларнинг айримлари муҳим сиёсий кампанияда ҳалигача фоол иштирок этишни ўрганадилар, четдан кузатувчи бўлиб турибдилар, меҳнат коллективларига СССР халқ депутатлигига ҳақиқатда энг муносибларни танлаб номзод қилиб кўрсатишда ёрдам бериш учун етарли даражада принципаллик, қатъий кўрсатмаптилар.

Конкрет мисол келтирайми. «Қизил тонг» тикув-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бирлашма бош директори Р. Ғ. Содиков номзодини кўрсатди. Биринчи қараганда бунда ҳеч бир аёбларнинг жойи йўқ. Бош директор мамлакатнинг бошқа ҳар бир граждани сингари халқ сайлаган киши бўлиш ҳўқуқига эга. Лекин бу бирлашма фаолияти таҳлил қилиб кўрилса, коллектив бир неча йиллардан бўён план топшириқларини бажармаётганлиги маълум бўлади. Иш бироз яхшиланаётганлигига қарамай тайёрланган маҳсулот сифатига қўллаб эътирозлар билдирилмоқда. Юз берган аёблардан шахсан Р. Ғ. Содиковнинг айби оз эмаслиги равшан. У 1981 йилдан бери шу ерда бош инженер бўлиб ишлади, икки йилдан ортиқ бўлдики, бирлашма бош директор ҳисобланади. Иккинчи томондан, наҳотки қарийб 4 минг кишилик коллективда,

риб олиш лозим. Агар район Совети депутати сифатида у ўз зиммасидаги вазифаларни лозим даражада унда-лаганда ҳам бошқа гап эди.

Афсуски, бундай мисоллар онда-сонда эмас. «Энг яхши одам — бошлиқ» деган эскича фикр кўп коллективларда ҳамон намоён бўлмоқда. Шундай савол туғилади: амалдорга қуллук қилиш одатини бартараф этишда, социологик тадқиқотлар ташкил қилишда, жамоат фикрини объектив ўрганишда, яширин овоз беришни таъминлашда, номзодларни бирмунча демократик асосда танлашнинг бошқа қурилишларида коллективларга партия ташкилотлари ёрдам бермаса бошқа ким ёрдам беради? Сайлов кампаниясида партия ташкилотларининг актив позицияси деганда худди ана шу назарда тутилади.

Бу масалада шунчалик муфассал тўхтаётганлигини бонси кўп ўтмай — ярим йилдан сўнг янги, бирмунча қизгин сайлов кампанияси бўлиб, Ўзбекистон ССР, область, шаҳар ва район, посёлка ва қишлоқ Советлари депутатлари сайланади. Мажбур тажрибадан фойдаланиш, йўл қўйилган хатоларни тақорламамаслик лозим. Партия ташкилотларининг вазифаси — сайловларини тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида жамоат фикрини ўрганиш, энг муносиб кишиларни, қайта қуришнинг фаол тарафдорларини аниқлаш, сиёсий усуллар — ишонтириш, тарғиб қилиш, асосли ташвиқот олиб бориш йўли билан партия сатини ўтказишга актив киришидан иборатдир.

Номзодлар кўрсатиб бўлинди. Сайловолди курашининг янги ҳал қилувчи босқичи — округ сайловолди йиғилишлари ва номзодларнинг рўйхатдан ўтказиш даври келди. Бу босқич ҳам қўнгина мураккаб масалаларни келтириб чиқармоқда. Номзодлар кўрсатган ҳамма коллективлардан тенг вакиллар бўлишини қандай таъминлаш мумкин. Холис сайловчилар (номзодлар кўрсатма-



А Ё Л

ТУРГУНЛИК йилларида илдиз отган иллатлар — порахурлик, масъулиятсизлик, худбинлик, сансалорлик, лоқайдлик, нопоклик, ёлгончилик, ваъдобошлик инсоннинг маънавий-маданий тубан кетиши билан белгиланмайдими?

«Инсон факат ризки-рўзи билангина ва ҳатто ҳозирги замон моддий неъматлари билангина яшаб қолмайди. У, айниқса, ҳақиқат ва виждон билан, адолат ва эркинлик билан, маънавий поклик ва инсонпарварлик билан барҳаётдир», — дейди М. С. Горбачев.

Биз фалончи механизатор аёл мавсумда фалон тонна пахта терди, деб кўрак уриб мактанамиз. Ваҳоланки, аёл уйдан тонг саҳарда чиқиб, кечкурун қайтгунча ўнлаб эркаклар соя-салқинда, чойхонада гапни чортанг қилириб ўтирган бўлади. Биз «саҳна»нинг бу томонини кўрсак ҳам кўрмаганга оламиз. «Яша аёл, ишлайвер, сени мактаб газеталарга ёзамиз. Минбарлардан сўзлатамиз», деб унга таскин бермоқчи бўламиз. Аёл тонна-тонна пахта териб илгор бўлиб турган пайтда унинг оиласидаги аҳолини эсламаймиз ҳам. Хўш, унинг болалари қай аҳволда юрибди? Боғча-яслига борадими? Қозонда иссиқ овқати борми? У қачон дам олади? Бу аёлнинг механизатор бўлиб ишлаши учун жисмонан кучи етадими, турмуш шароити, медицина хизмати қай аҳволда? Афсуски, бизни бу нарса қизиқтирмайди.

Тўғриси, биз план ҳақида, маҳсулот ҳақида кўп гапириб, инсонни ўйламай қўйган эдик. Турғунлик йилларида социал-маданий объектлар, уй-жой қурилиши, Боғча-ясли қурилишини ҳам раҳбарлар унутмаган эди. Ҳашаматли идоралар, саройлар қувилаётганда, колхозчи оналар болаларини қаерга қўйишларини билмай, дархатлар сохидан ланоҳ топишарди. Ҳозирги пайтда келиб қишлоқ хотин-қизларига маданий-маиший шароит яратиб бериш долзарб масалага айланиши керак.

Яна бир гап, бу оиладаги психологик ҳолат ҳақида. Мен бир оилани биларман. Ҳовлисида на кўкат, на бир ниҳол ўсади. Уйига кирсангиз ҳеч вақтоси йўқ. Эр-хотин бола-чақаси билан кечгача далада. Бу оила гуриқраб кетиши учун ҳаётида пули кўп, аммо, уни нимага сарфлашни билмайди. Борида чора-чора, йўғида банд бечора, қабилида кун кеңиришди. Бу оилада китоб, санъат ҳақида, маданий дам олиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Хонадоннинг маданий-маънавий савияси паст. Иккинчи бир оилани олайлик. Она — қайнона хона-

донда ҳукмрон. Айтгани айтган, дегани деган. Ҳовли тўла витамин — яъни наъматадан тортиб малинагача, тилосдан ёнғоқгача бор. Аммо на келингар, на набиралар бундан баҳраманд эмас.

Ҳозирги қайта қуриш даврида район партия, комсомол ходимлари, хотин-қизлар совети бутун эътиборни мана шу масалага — оилада маънавий маданиятни оширишга, оила организмиди соғломлаштиришга қаратмоғи керак.

Эндилкида хотин-қизлар масаласида ҳам социал муаммолар етилиб қолгани аён бўлиб қолди. Республикада хотин-қизларнинг қишлоқ ва шаҳардаги тинимсиз меҳнати ҳақида, бу нарса аёлнинг соғлиғига, маънавий психологик ҳолатига ёмон таъсир этаётгани, баъзи аёллар ўзини-ўзи ёндириб юбораётгани ҳақида радио ва телевидениеда, матбуотда кўп айтилади, айтиляпти, бундан кейин ҳам айтилади. Лекин биз аёлга қандай амалий ёрдам бераёلمиз? Ҳали ҳеч қандай ёрдам бераётганимиз йўқ. Хотин-қизлар масаласида биз кўпин-

ҲАМОН

ча уни яққа ҳолда, оиласидан, боласидан ажратиб олган ҳолда фирм юртадимиз. «Хотин-қизларни жамоат ишларига, ижтимоий фойдалар меҳнати жалб этилсин, улар ўртасида тарғибот-таъшиқот ишлари олиб борилсин», деган қарорлар билан унга амалий ёрдам бера оламиз. Хотин-қизлар масаласи оила, мактаб, тарбия масалалари билан бирга ҳал этилмас экан, бирор ютуққа эришиш қийин.

Марказий телевидениедаги бир кўрсатувда ишчининг ойлигидан олиб қолнадиган даромад солиғи бекор қилиниб, у боғча-ясли ҳисобига ўтказилгани, ниҳоят шу сабаб боғча-ясли бепул бўлгани ҳақида эшитган эдим. Ана шундай тadbирни нега бизнинг республикада амалга ошириш мумкин эмас? Биз шу пайтгача аёл — она, аёл — ишчи, аёл — депутат, аёл — жамоатчи, бизнинг аёллар ана шундай, деб жар солиб келдик. Ахир аёл жони темирдан эмас-ку. Еки фалон аёл ойлик нормасини 120 фоиз бажарайтир, 24 станок ўрнига 48 станокни бошқармоқда, деб айоханаси соламиз. Аввало бу кўрсаткич унинг иш сифатини белгилла бермайдми-ку. Иккинчидан, 48 та станокни бошқарган аёлнинг ҳолати қандай бўлади? Оиласи, болалари тарбияси қай аҳволда? Ниҳоят, бу аёл қачон дам олади?

Марказий телевидениедан кўрсатилган бир фильмда бир аёлни заводда цехга бошлиқ қилишмоқчи бўлади. Бош-

қа бир аёл сўзга чиқиб: «Эркак ҳам зўрга уддалайдиган бу ишни нега аёл елкасига юклайсизлар, уялмайсизлар-ми?» деб залда ўтирганлар фикрини юз фоиз ўзгартириб юборади. Бизда ҳам хотин-қизлар механизатор, тикувчи, бригадир, цех бошлиғи, деб фахрланишга ўрганганмиз.

Масалан, ишчи аёл. Икки-уч гўдаги бор. Уларни тарбиялаш учун унга вақт, шароит, ҳеловат керак. Шу пайтда корхона раҳбарига бориб ўз ҳисобидан отпусқа сўрайди, балки икки-уч йил муддатга сўраб, лекин бу вақт унинг иш стажига кирмайди. Нега! Ахир бола тарбиялаб, аялга етказиш ҳам меҳнат-ку! Хотин-қизлар совети мана шундай масалаларни корхона маъмурияти олдига қўйиши керак. Еки, келинчақдан, фарзанд кўрмаган аёлдан ишхонада боласизлиги учун солиқ олиниши қулғили ҳол бўлиб туялмайди-ми? Нега биз, сен боласизсан, деб асабига тегиб уни пастга уриб солиқ олишимиз керак! Қайта қуриш даврида булар ҳақида ўйлаб кўриш вақти келмаганмикин?

Шу пайтгача рўйхатларда меҳнат қарамонлари, раҳбар аёллар, депутат хотин-қизлар сонининг кўпчилигидан хурсанд бўлиб келдик, уларни мактаб ёздиқ ва эндилкида шуни тушуниб етдик-ки, ўшаларнинг баъзилари сохта қарамонлар экан. Менинг билишимча, кўпчилик раҳбар, қарамон, илгор аёллар ё эрдан ажраган, ё ёши ўтган қизлар. Ахир, раҳбарни бу сифатига қараб танламайдилар-ку. Оилани юрта олмаган аёлга қандай қилиб масъулиятли ишни топириш мумкин? Баъзан масъулиятли ишни деб оилга дарз кеткизган аёлларни ҳам учратамиз.

Оила, тарбия, хотин-қизлар масаласида кўп муаммолар етилиб турибди. Хўш, хотин-қизлар совети бу борада қандай роль ўйнамоқда? Уларнинг иши кўпинча эр-хотинни муросяга келтиришдан иборат бўлиб қолмоқда. Маданият университетлари ташкил этиб, хотин-қизларга нима ангиллик бердик. Уй тутиш, овқат пийширишдан дарс ўтиб, уларнинг вақтини олдиқ, холос. Аёл кишининг бўш вақти бўлса, рўзғори бадас-

ДАЛАДА...

тир бўлса, пазандалиқни ҳам, меҳмон кутиш, чеварлиқни ҳам жуда ўрнига қўяди. Хотин-қизлар совети етилган социал масалаларни, аёллар дарағида малҳам бўладиган, ишнинг енгилаштириладиган тadbирларни амалга ошириши керак.

Қ. НОСИРОВА.

● **ТОШКЕНТДАГИ** бадий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг бу илгор ишчилари Ф. Ҳафизова (чапдан), Н. Абдухалилова ва Ғ. Ҳафизовалар қўли гул чеварлардан. Улар тайёрлаётган турли-туман дўшлар ўзининг нафислиги, кўркамлиги ва жозибаси билан кишини мафтун этади. Бундай маҳсулотлар жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида ташкил этилаётган халқаро кўргазмаларда ҳам юқори баҳо-ланмоқда.

А. Тўраев фотоси.

● АКС САДО ●

МУНОСИБ ЭМАС

Тўйни ихчамлаштириш, ортиқча сарф-харажатлар ва исрофгарчиликларсиз ўтказиш муаммоларининг кўтарилганга ҳам ўн—ўн беш йил бўлиб қолди чоғи. Лекин унинг атрофида гап кўп бўляпти-ю иш кам қилинапти. Гарчанд бир тўй атрофида ҳали ҳам баъзан тўққизлик шўхлик қилиб, баъзан оиланинг эҳтиёжларидан қисиб йилгилан пуллар эвазига қилинаётган базм-жам, шидлар сон ортиб бораётган экан бунда жамоатчилик — хусусан маҳалла комитети аъзоларининг айблари катта. Газетанинг 1988 йил 12 ноябрь сониди Киров районининг Янгирчи маҳалласида тўйлар киз базмисиз ўтказилишига эришилганга ҳақида хабар берилган эди. Унда тўйлардаги ортиқча расм-русм ва турли маъракаларни ихчамлаштириш борисида ортирилган тажрибалар ҳақида батафсил тўхталган. «Дахмаздан воз кечяпмиз» деб номланган бу мақолани ўқиб эканман, ниҳоят тўйларимизни ҳам давримизга мос тарзда қайта қура бошлашганидан хурсанд бўлдим. Бу маҳалла тажрибасини кенг ёйиш керак. Меҳнат эвазига топан номиниз ва нозеъматларимизни исроф қилиш меҳнатқаш ҳалқимизга муносиб эмас.

М. АХМЕДОВ.
Тошкент шаҳри.

ХОТИРА

О П А

Уни ёшу-қари бирдек «Опа» дея тилга оларди. У бундай ҳурмат ва меҳрга бутун умри давомидида ҳалол хизмати туфайли сазовор бўлган.

Фикран ҳаёлим 1933 йилга қўчади. Себзор даҳасининг Фаол маҳалласида бир аёл қўлида эмизлик гўдаги билан кетмоқда. Паранжисиди, хушрўй. Эркаклар унга суқланиб қарашади. 19 баҳорини қаршилаган бу жувон Эскиша-

ҳардаги магазинда сотувчи бўлиб хизмат қилади.

Хуфрот ва бидъатга биринчилар қатори қарши бориш журъат ва шахсий жасорат талаб этади. Васила Содиқова ана шундай жасур хотин-қизларимиздан эди. У Тошкент район ижрокомининг раиси қилиб сайланди. 1942 йили опа ўзбек делегацияси составида Ленинград фронтига республика меҳнатқашларининг совга-саломини олиб

борди. Қамалдаги шаҳар хотин-қизлари йилгилишида уларга ўзбек халқининг оташин саломини етказди. 68 вагонга ортилган совгаларни жасур Ленинград халқига топширди.

У фронт учун, ғалаба учун ҳормай-толмай ишлади. Бу хизмати учун Қизил Юлдуз орденига сазовор бўлди. Одатда бу орден мардлик, жасорат ва қарамонлик кўрсатганларга бериларди. Ҳукумат унинг хизматини шундай тақдирлаш бекаж эмас, албатта.

Улуг Ватан уруши йилларида В. Содиқова Чиноз район партия комитети биринчи секретари лавозимда ишлади. 1947 йилда

эса Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси ўринбосарлиғига сайланди. 1956 йилда уни социал таъминот ва ишчи лавозимига тайинлашди. Бу юксак лавозимда у чорак аср бенуқсон хизмат қилди. 30 йил Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, 40 йил республика Олий Советининг депутаты бўлди. Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат белгиси» орденлари опа хизматига берилган муносиб баҳо эди.

Мен опанинг уйларида, қабулхоналарида кўп бўлганман. Уларнинг дўстлари ва сафдошлари суҳбатларини эшитганман. Васила

опа давр фарзанди эди. У ўз ҳаётида кўп одамларни, кўп воқеаларни кўрган эди.

Васила Содиқова тақдирда бутун бир тарих мунажжасам. Ҳозир қизинг мунозаларига сабаб бўлаётган 30—40-йиллар, урушдан кейинги давр — барча бачасининг машаққатли синовларидан шараф билан ўтган опамиз каби кишилар билан фахрланасан арзийди. Улар коммунист шарафини ўз ҳаётлари, камтар ва пок турмушлари билан оқладилар.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари кандидати.

олганди. Бу-
ғи» бир чиша
билан кириб
а ўралган ўгли
б, «севиғлиси»
ди, кўзлар ху-
аёл гўдак йи-
нарди. Баъзан
а ташлаб, бир
кетарди. Чи-
Турдиалиевани
ъзоси Расулов
о аёл бола-
ди бирининг
бир неча йил-
ушибди. Собиқ
ни сўраб, суд-
алқ суди унинг
аёлда оналик
йўқ эди.

биз ана шун-
ганимизда ма-
қимдир ўз
чишиб кетади,
«унутиб» қол-
сини қаҳратон
и. Болалар уй-
нингван нораси-
Шундай тў-
да но еиниша
мехр, дийдаси
болагинини
птиларми?!

бериётган но-
йлик, масъу-
рлар ўтиб кет-
тишлаб, тирик
йлик!

об, жамият қо-
ҳеч чим бо-
шга журят

газетхон?

ҚОСИМОВ.



ТАБИАТ
ВАИНСОН
ДОРИВОР ГИЁҲЛАР
ТОПТАЛМАСИН

♦ ЗАВОДГА БОШҚА
ЕР ЙУҚМИ?

♦ УИЛАНМАЙ ҚИ-
ЛИНГАН ИШ...

♦ СУВ ИСРОФ БУЛ-
МАСИН.

♦ ДИРЕКТОР ДИС-
СЕРТАЦИЯСИ ЖОРИИ
ЭТИЛАРМИКИН?


ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИДА

ДИЁР БОЙЛИГИНИ
АСРАБ-АВАЙЛАЙЛИК

ОЛМАЛИҚ химия заводида энди «чиқиндилар омбори» учун ер берилмайдиган Корхона раҳбариятининг фосфогипс чиқиндиларини ташлаш учун яна 162 гектар майдонга эга бўлиш нияти республика табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитетининг қатъий қараринингга учради. Табиатни муҳофаза қилиш органлари химия заводида фосфогипснинг зарарсизланти-

риш билан жиддий шугулланишларини талаб қилдилар. Чунки конкрет лойиҳа ечимларига келтирилган ана шу мавзудаги илмий ишланмалар оз эмас. Дарвоқе, завод директорининг ўзи ана шу мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган... Уни жорий этиш вақти келмадимикин?

(ЎзТАГ).



ФОТОАЙБНОМА



В. ЖИГАЛОВ,
Ғазалкентдаги «Гиппо-
крат» халқ саломатлиги
университети ректори.

«СОЙ СОҲИЛИ»

ҒАЗЕТАНИНГ ўтган йил 26 ноябрь сониди шу сарлавҳа остида берилган танқидий мақолага Октябр район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. Б. Боқиев жавоб олинди. Унда шундай дейилади: «Район Совети ижроия комитети «Сой соҳили» сарлавҳали мақоланинг кўриб чиқди. 1982—1987 йилларда Анҳор каналининг Халиқлар дўстлиги кўчасидан бошланган қисми соҳилини ободонлаштириш бўйича анчагина ишлар амалга оширилди, ўзбошимчилик билан тикланган қурилишлар бўлиб ташланди, насос станция-

си қурилди, дархат кўчатлари ўтказилди...»

Шунингдек, жавобда канал соҳилининг турли хил ахлатлар, рўзгор чиқиндилари билан ифлосланганлиги, улар вақтида ташиб кетилмай антисанитария ҳолати вужудга келаяётганлиги, бунда шубҳаёт йўли атрофда истиқомат қилувчилар ва мутасадди ташкилотларнинг айбонлиги тўғрисида танқид қилинганлиги таъкидланди. Район ижроия комитети бу ишлар устидан назоратини мутасадди йўлга қўяди, деб айтилади жавоб сўнгиди.

ЛОЙИҲА РАД ЭТИЛДИ

Тошкент шаҳрининг бош лойиҳачи ташкилоти бўлган «Уз-
нингградостроительств» ин-
ститутининг Олмазор шаҳридан жа-
нуборда норузда материаллар за-
води қурилишига қарши но-
розилик билдирди. Чирчиқ
дарёсининг қуйи қисмида қу-

риш учун мўлжалланган бу
заводи «Средазгипроцелин-
строй» институт лойиҳалаш-
тирган. Айни вақтда корхона
учун мўлжалланган участка
белгиланган тартибда келишиб
олинмаган эди. Табиатни му-
ҳофаза қилиш Давлат комите-

тининг экология экспертизаси
архитекторларнинг норозили-
гини маъқуллади ва шоша-
шошарлик билан ҳал этилган
лоийҳа ечимни экология жиҳа-
тидан асосланмаганлиги учун
унинг рад қилди.

(ЎзТАГ).

ҲАР ТУҒРИДА

ОРОЛЛАР МАМЛАКАТИ

♦ ЖАНУБИЙ-ШАРҚИЙ Осиё-
даги Филиппин давлатини
шундай мамлакат деб аташа-
ди. У 7107 та оролда жойлаш-
ган. Лекин уларнинг фақат
800 тасида инсонлар яшайди.

ШАМОЛ НУРХОНАЛАРИ

♦ ГАВАЙ оролларида энер-
гиянинг табиий манбалари-
дан, айниқса, шамолдан фой-
даланиш юзасидан кенг қам-
ровли ишлар олиб боришмоқ-
да. Ҳозирги вақтда мамлакат
бўйича электр энергиясининг
40 проценти биомасса (қанд
ишлаб чиқариши чиқинди-
ларини ёқиш) ва бошқа но-
анъанавий манбалардан олини-
моқда.

Бу ерда шамол доим эсиб
турадиган Оаху оролининг
шимолий соҳилида қатор
электр станциялари ишлаб
турибди. Ўрнатилган паррак-
лар орасида ҳақиқатан ҳам
жуфта катталари бор. Унинг
баландлиги 66 метр бўлиб,
куватини 3200 киловаттга тенг.
Бу нурхона жаҳонда танҳо ҳи-
سوبланади.



БАҒРИ КУНГАН ТУТ

УШБУ СУРАТ Пар-
кентнинг янги микрорайони-
да олинган. Бу ерда бундай
ўт қўйиб ёндирилган ту-
тларни қўйлаб кўриш мумкин.
Бу, албатта, болаларнинг
иши. Шундай экан, улар ўр-
тасида табиатни асраб-авай-
лаш тўғрисида тушунишни
ишларини кучайтириш ло-
зим.

М. Усмонов фотоси.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Душанба,

6 февраль

♦ МТ-I

7.00 «120 минут», 9.05 Кино афиша. 10.05 Байкалнинг экологик муаммолари. 11.05 Янгилар. 11.15 Тўғли хоккей. 13.10 Мўжизасиз мўжизалар. 14.10 Кенжиян янгради, янгради. 14.55 Ҳужжатли фильм. 16.00 Янгилар. 16.15 Сайловлар олдидан. 16.25 Студиямизда Кирилл Родин. 16.50 Ҳужжатли фильм. 17.10 Социология: муаммолар ва шарҳлар. 17.40 Болалар соати. 18.40 Жаҳон халқларининг ижоди. 19.20 Мультфильм. 19.30 XIX партия конференцияси белгилас берган йўлдан. 20.00 Шерият лаҳзалари. 20.05 Чайка. Фильм-спектакль. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Чайка. Фильм-спектаклнинг давоми. 23.45 Дунё воқеалари. 24.00 Фильм-концерт.

♦ МТ-II

9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 М. Ю. Лермонтов лирикаси. 10.05 Италия тили. 11.05 Умумий биология. 11.35, 12.35 Биология. 11.55 Ҳужжатли фильм. 12.05 Сиз яратган бог. 12.55 Ингит ҳамиша йигитда. Бадий фильм. 14.20 Янгилар. 14.30 Концерт. 14.50 Ҳужжатли фильм. 17.35 Янгилар. 17.45 Ҳужжатли фильмлар. 18.10 Фильм-концерт. 18.40 Совет Иттифоқида хизмат қилган. 19.40 Катталар учун мультфильм. 20.05 Каратаи. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Спидвей. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Ҳужжатли фильмлар. 23.05 Тонгги почта. 23.35 Теннис. 00.35 Янгилар.

♦ УЗТВ

15.00 Ҳужжатли фильм. 15.55 Қорли ўлка нафаси. Бадий фильм. 17.25 География. 18.00 Янгилар. 18.15 Осмонга йўл. 18.50 «Коллекчичи». 19.20 Теленовелла. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Қардош халқлар иттифоқи.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.30 Телефильм. 20.00 Сеининг оstonагда. Бадий фильм. 21.15 Оқшом эртакла-ри. 21.30 ДУШАНБА КУРСА-ТАДИ.

Сешанба,

7 февраль

♦ МТ-I

7.00 «120 минут». 9.05 Иоганн Себастьян Бах. Бадий фильм. 1-серия. 10.35 Янгилар. 10.45 Болалар соати. 11.45 Шундай бўлган... бўлган... 12.00 Ҳужжатли фильм. 14.55 Биатлон. 17.40 Янгилар. 17.50 Сайловлар олдидан. 18.00 Салом, музика. 18.45 Мультфильм премьере-раси. 19.05 Шерият лаҳзалари. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Ҳокимият — Советларга. 19.55 Иоганн Себастьян Бах. Бадий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Ҳужжатли фильм. 22.55 Дунё воқеалари. 23.10 Концерт.

♦ МТ-II

9.00 Гимнастика. 9.35, 10.35 Физика. 10.05 Француз тили.

11.35, 12.35 Биология. 11.55 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 Француз тили. 12.55 Аэропорт ҳаёти. Бадий фильм. 14.20 Янгилар. 14.30 Ритмик гимнастика. 15.00 Ҳужжатли фильм. 17.35 Янгилар. 17.45 Кумликлардаги узундан узок йўл. Бадий фильм. 3-серия. 18.50 Концерт. 19.30 Мультфильмлар. 20.00 Ритмик гимнастика. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Рекла-ма. 20.50 Ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Кумликлардаги узундан узок йўл. Бадий фильм. 3-серия. 23.20 Янгилар.

♦ УЗТВ

15.00 Фильм-концерт. 15.40 Аччиқ данак. Бадий фильм. 16.45 Адабиёт. 17.15 Телефильм. 17.25 Қизқарли математика. 18.00 Янгилар. 18.15 Болалар учун фильм-концертлар. 19.00 Сайловлар олдидан. 19.30 Пахтачиллик: тажриба ва муаммолар. 20.00 Ахборот. 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Кечиролсанг, кечир. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.30 Жаҳоирлар малика-сига ҳужум. Бадий фильм. 21.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.30 ФРУНЗЕ КУРСА-ТАДИ.

Чоршанба,

8 февраль

♦ МТ-I

7.00 «120 минут». 9.05 Иоганн Себастьян Бах. Бадий фильм. 1—2-сериялар. 12.05 Янгилар. 12.15 Салом, музика. 13.00 Оламга сەҳнат. 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Музикали хазина. 16.55 Ҳужжатли фильм. 17.10 Мультфильмлар. 17.30 Болалар соати. 18.30 Тараққиёт, ахборот, реклама. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Лирик концерт. 19.55 Шерият лаҳзалари. 20.00 Иоганн Себастьян Бах. Бадий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Резонанс. 23.30 Узага сўнат ёки Бутуниттифоқ ёшлар куръазмасига оид мулоҳазалар. 00.15 Дунё воқеалари.

♦ МТ-II

9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Физика. 10.05 Немис тили. 11.05 ПТУ ўқувчилари-га. 11.35, 12.35 Тарих. 12.05 Немис тили. 13.05 Кумликлардаги узундан узок йўл. Бадий фильм. 3-серия. 14.10 Янгилар. 14.20 Уйғур жигалари. 14.50 Ҳужжатли фильм. 17.35 Янгилар. 17.45 Кумликлардаги узундан узок йўл. Бадий фильм. 4-серия. 19.00 Мультфильм. 19.15 Украина ССР Давлат телерадио-си. 20.05 Концерт. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 21.15 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Кумликлардаги узундан узок йўл. Бадий фильм. 4-серия. 23.30 Ҳужжатли фильмлар. 00.20 Янгилар.

♦ УЗТВ

15.00 Фильм-концерт. 16.00 Огинский полонези. Бадий фильм. 17.25 Эстетика асосла-ри. 18.00 Янгилар. 18.15 Мультфильм. 18.40 Камалат. 19.25 Объективда — қайта қуриш. 20.00 Ахборот. 20.20

Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.20 Телефильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 «Қора консулнинг ҳа-лоқати». Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.30 Телефильм. 19.50 «Дарё орти, олис қишлоқ-да». Бадий фильм. 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.15 Оқшом эртакла-ри. 21.30 ДУШАНБА КУРСА-ТАДИ.

Пайшанба,

9 февраль

♦ МТ-I

7.00 «120 минут». 9.05 Кино-журнал. 9.15 Иоганн Себастьян Бах. Бадий фильм. 2—3-сериялар. 12.05 Мультфильмлар. 12.35 Ҳужжатли фильм. 12.45 Янгилар. 12.55 Концерт. 13.35 Қишлоқ истиқ-боллари. 14.55 Биатлон. 17.40 Янгилар. 17.50 Сайловлар олдидан. 18.00 ...16 ёшга ва ундан катталар. 18.45 «Теле-ЭКО» журналы. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Кичик кон-церт. 19.40 Ҳокимият — Со-ветларга. 20.10 Иоганн Себастьян Бах. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Музика ва биз. 23.15 Дунё воқеалари. 23.30 Москва учрашувлари. 00.30 Ҳужжатли фильмлар.

♦ МТ-II

9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 10.05 Испан тили. 11.05 ПТУ ўқу-чилари-га. 11.35, 12.35 Жино-ят ва жаҳо. 12.05 Испан тили. 13.05 «Кумликлардаги узундан узок йўл». Бадий фильм. 4-серия. 14.20 Янгилар. 14.30 Концерт. 14.55 Ҳужжат-ли фильм. 17.35 Янгилар. 17.45 Кумликлардаги узундан узок йўл. Бадий фильм. 5-серия. 18.55 Интерпрета-ция. 19.25 Шерият лаҳзалари. 19.30 Мультфильмлар. 20.00 Ҳужжатли фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Рекла-ма. 20.50 Телевизион ҳужжатли фильмлар. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Кумликлардаги узундан узок йўл. Бадий фильм. 5-серия. 23.25 Концерт. 23.50 Янгилар.

♦ УЗТВ

15.00 Телефильмлар. 16.00 Кутилмаган меҳмон. Бадий фильм. 18.00 Янгилар. 18.15 Мультфильмлар. 18.45 А. Навоий таваллудига. 19.45 «Ешлик». 20.20 Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Музи-кали программа. 21.30 «Вре-мя». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Инсон ва қонуи.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.30 Телефильмлар. 20.10 Дарсликлар ва уларнинг ўқу-жараёнидаги роли. 20.50 Рекла-ма. 21.00 «Тошкент» сту-дияси кўрсатади. 21.30 ФРУН-ЗЕ КУРСАТАДИ.

Жума,

10 февраль

♦ МТ-I

7.00 «120 минут». 9.05 Иоганн Себастьян Бах. Бадий фильм. 3 ва 4-сериялар. 11.55 Янгилар. 12.05 Болалар соати. 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.25 Ҳужжатли

фильм. 16.40 Концерт. 17.20 Чехарда. Бадий фильм. 18.30 Фан: назария, тажри-ба, практика. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Интерси-нал. 20.00 Иоганн Себастьян Бах. Бадий фильм. 4-серия. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Спортклуб. 22.45 Шундай бўлган... бўлган... 23.00 Ни-гоҳ.

♦ МТ-II

9.00 Эрталабки гимнасти-ка. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 География. 10.05 Инглиз тили. 11.05 ПТУ ўқувчилари-га. 11.35, 12.35 Тарих. 12.05 Инглиз тили. 13.05 Кумликлардаги узундан узок йўл. Бадий фильм. 5-серия. 14.15 Янгилар. 14.25 Ритмик гимнастика. 17.25 Янгилар. 17.30 Фестиваль эки-рани. 18.30 Томошабинсиз кон-церт. 19.00 Ритмик гимнасти-ка. 19.30 Миллий баскет-бол ассоциацияси профессио-наллар ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 20.30 Тунингиз хайрли бўл-син, кичкинтойлар! 20.45 Кон-церт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Довулдан огоҳланти-риш. Бадий фильм. 1- ва 2-сериялар. 00.25 Янгилар.

♦ УЗТВ

15.00 Фильм-концерт. 15.55 Ҳаётини муҳаббат. Бадий фильм. 17.25 Рус адабиёти. 18.00 Янгилар. 18.15 Рес-публика илмий-амалий кон-ференцияси. 18.55 «Ешлик» студияси кўрсатади. 19.25 Са-ра уруғ — ҳосил бўлик. 20.00 Ахборот. 20.20 Шу кун-нинг долзарб мавзуси. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Сай-ловлар олдидан. 22.15 Кон-церт. 23.15 Совет киноси ус-талари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.30 Уйга. Бадий фильм. 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.15 Оқшом эр-такла-ри. 21.30 ФРУНЗЕ КУР-САТАДИ.

Шанба,

11 февраль

♦ МТ-I

7.00 «120 минут». 9.00 Сиз яратган бог. 9.30 Иоганн Себастьян Бах. Бадий фильм. 4-серия. 11.00 Инсон институ-ти. 12.00 Социалом мамла-катларида. 12.30 Концерт. 13.30 Ҳайвонот оламида. 14.30 Мультфильмлар. 15.00 Биат-лон. Жаҳон чемпионати. 17.10 Дунё воқеалари. 17.25 Совет Иттифоқи бўйлаб. 17.45 Ҳа-ма учун ва ҳар бир киши учун. 18.15 Мультфильм. 18.35 Аёл ҳаётидан ўн беш дақи-ка. 18.50 Халқаро программа. 19.50 Бриллиант қўл. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Телеомошабин ҳамроҳи. 22.20 Шанба оқшомида. 23.35 Янгилар. 23.45 Халқаро гў-заллик конкурси.

♦ МТ-II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгиларлари. 9.45 Ҳужжатли фильм. 10.55 Тараққиёт. Ахборот. Рекла-ма. 11.40 Узоқ кузатишлар. Бадий фильм. 13.10 Турар-кой. Телеспектакль. 14.55 Телевизион музикали абоне-мент. 16.10 Ҳужжатли фильм. 16.40 ... 16 ёшга ва ундан катталар. 17.25 РСФСР ша-ҳарлари телестудиялари. 18.10. Концерт. 18.30 Мам-лакат театрлари намойиш этади. 20.30 Тунингиз хайр-

ли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Билса ҳазил, билмаса чин. Сатирик кўрсатув. 21.15 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей. «Химики» — МАСК. 23.55 Концерт. 00.20 Янгилар.

♦ УЗТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали про-грамма. 10.00 «Ешлик» сту-дияси кўрсатади. 11.30 Қай-та қуриш йўлидан. 11.50 Ак-тёрлар ва роллар. 12.50 ... ва сен осмонни кўрасан. Бадий фильм. 14.00 Замандос. 15.00 Эстрада калейдоско-пи. 16.00 Бунни ҳамма били-ши ва ундаш керак. 18.05 Болалар учун фильм. 19.15 Мультфильмлар. 20.00 Ахбо-рот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 «Узбек-фильм» премьере-раси. 22.25 Катталар учун мультфильм. 22.35 «Тошкент» студияси кўрсатади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

17.50 ДУШАНБА КУРСАТА-ДИ.

Якшанба,

12 февраль

♦ МТ-I

8.30 Янгилар. 8.45 Рит-мик гимнастика. 9.15 Спорт-лото тиражи. 9.30 Охири мар-та номсиз. 10.30 Совет Итти-фоқида хизмат қилган. 11.30 Тонгги почта. 12.00 Сەҳнатчилар клуби. 13.00 Болалар информацион-пуб-лицистик программаси. 14.30 Музикали киоск. 15.00 Зоро-ровье. 15.45 Мультфильм. 15.55 Телефотко конкур-с. 16.00 Иттифоқдош республи-калар киносанъати. 17.25 Шерият лаҳзалари. 17.30 Қишлоқ янгиларлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультфильмлар. 20.40 Фо-кусчи. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор. 22.20 Актёрлар ва роллар. 22.50 Янгилар. 23.00 Музи-кали программа.

♦ МТ-II

8.30 Зарядка сафлангит. 8.50 Довулдан огоҳланти-риш. Бадий фильм. 11.00 Концерт. 12.00 Сەҳнатчилар клуби. 13.00 Концерт. 16.35 Мультфильм. 16.45 Ҳужжат-ли фильм. 17.05 Дастхат. 17.30 Биатлон. Жаҳон чем-пионати. 19.45 Москва —Бос-тон телекўприги. 20.55 Ту-нингиз хайрли бўлсин, кич-кинтойлар! 21.10 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор. 22.20 Ягуар. Бадий фильм. 23.45 Янгилар. 23.55 Биатлон. Жаҳон чем-пионати.

♦ УЗТВ

9.00 Ассалому алайкум. Ин-формацион-музикали про-грамма. 10.00 Телефильм. 10.30 Концерт. 10.55 «Тош-кент» студияси кўрсатади. 11.55 Еш спортчи мактаби. 12.55 Болалар учун театр. 14.30 Афғонистон алангаси ич-ра. 16.05 Рекла-ма. 18.05 Мультфильм. 18.20 Концерт. 19.00 Х. Ҳ. Ниёзий таваллу-дининг 100 йиллигига. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Чиниён соврини. 22.35 Санъат уста-лари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

17.35 ДУШАНБА КУРСАТА-ДИ.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

ПИАНИНОЧИЛАР
КОНКУРСИ«БАҲОР»ДА
ЯНГРАЙДИ

31 ЯНВАРЬ куни М. Амрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг катта залида республика пианиночиларининг VII конкурси очилди.

Мажкур ижодий беллашув анъанага айланган. У ҳар тўрт йилда ташкил қилинмоқда. Конкурсада олий музыка таълимини олган созандалар концерт ташкилотларининг вакиллари, олий музыка мактабларининг талабалари иштирок этадилар. Бу галги ижодий баҳсга катта маҳорат эгаси эканлигини намойиш этган консерватория қонидаги Успенский номли махсус музыка мактабининг бир қатор талабалари тақлиф этилди.

Конкурс йилларининг 51 уч кишидан ibорат нуфузли, яъни ҳайъати баҳодайди. Ўшори раиси — Ленинград Давлат консерваториясининг профессори Е. Муринади. Ижодий беллашув уч турда олиб борилади. Сўнгги тур қатнашчилари «Баҳор» концерт залда ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Бу концертда пианиночиларга М. Қориевнинг номидаги Эзбек Давлат концерт филармония бeрлaнмaсининг симфоник оркестри ҳур бўлади.

Пианиночилар беллашувда 30 нафар ёш созанда иштирок этмоқда. Голдларга махсус мукофотлар ажратилган. Биринчи мукофот 300 сўм, иккинчи 200 сўм, учинчи мукофот эса 100 сўм миқдорида белгиланган. Булардан ташқари, конкурс қатнашчиларига алаҳватчилик, таълим ва ижодий соҳалардаги ўз соҳибдорларининг таълим этадилар.

3. ШАРИПОВ.



ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ

ТОШКЕНТЛИКЛАРНИНГ сеvimли дам олиш жойига айланган Карл Маркс кўчасида ҳар шанба ва якшанба кунлари халқ сайиллари уюштирилиши анъанага айланган. Бу сафар ҳам шаҳарликлар ушбу сайилда «Зарафшон» ресторани ошпазлари томонидан тайёрланган лаззатли таомларни татиб қурили билан бир қаторда бадний ҳаваскорлик коллективлари, цирк артистлари ижросида қизиқарли томошаларни кўринишга муvссаp бўлдилар.

СУРАТЛАРДА: ана шу сайилдан лавҳалар.


М. Нуриддинов фотолари.



«САНЪАТ» КРОССВОРДИ

1. Тарафма-тарoф бўлиб айтиладиган терма қўшиқ. 2. Доира шаклида гул нақш билан қопланган кaштaчилик маҳсулоти. 3. Саҳна санъати тури. 4. Моҳир кaштaчи аёл. 5. Музикали саҳна санъати соҳаси. 6. Тикиб туширилган гул мато. 7. Ўзбек халқ мақолларидан бири. 8. Санъат ва тарихий нарсаларнинг йиғиб намоийш этувчи муассаса. 9. Алишер Навоий газали билан айтиладиган классик қўшиқ. 10. Ўзбек халқ кўйларида бирининг номи. 11. Рус классик рaссoми. 12. Уч торли миллий музика асбоби. 13. Э. Воҳидовнинг «Олтин девор» пьесаси қаҳрамони. 14. Қўшиқчи санъаткор. 15. Мухтор Ашрафий операси. 16. Қозоқ миллий музика асбоби. 17. Зеб-зийнат буюми, тақинчоқ. 18. Байрам санилларида юзга кийиладиган нарсa. 19. Клавирли катта музика асбоби. 20. Машраб газали билан «Утган кунлари» фильмида ижро этилган қўшиқ.

Ф. ОРИПОВ.



ТОЖИКИСТОНДА рўй берган табиий офат кўпчилик қатори бу республикага ёндаш жойлашган, яқиндан маданий алоқалар боғланган, тажрибалиларни кўп йиллардан бери ўзаро ўртоқлашиб келишадиган Бек-обод райони аҳолисини ҳам ташвишга солиб қўйди.

Бек-ободликлар ўн минг сўмдан кўпроқ пулни ёрдам фондига ўтказдилар. Бу жамғармага «Победа» колхозчи, 6-кўча механизациялашган колонна, 5-ху-

70030
СЧЁТИГА

нар-техника билим юрти, 14 мактаб коллективлари аynиқса катта ҳисса қўшдилар. Умумий овқатланиш корхонасининг ошпази Николай Захарян шахсий жамғармасидан 150 сўм пулни Тожикистонга жўнатди.

Район комсомол комитети аппарати бир кунлик иш ҳақини 70030 счётига ўтказди. Ундан ташқари ёш ленинчилар 350 сўмлик кийим-бош, ўқув қуролларини тенгдошларига юбордилар. Пул ўтнашиш давом этмоқда. Қиш фаслини ҳисобга олиб иссиқ кийим, ўрин-тўшак ва бошқа зарур нарсалар тожикистонликларга ёрдам кўрсатиш штабидa тўпланапти.

Б. СОЛИХОВ.

УЧ ТИЛДА

КОММУНИСТИК райони маданият уйи қонидаги «Дилшод» ашула ва рақс ансамбли айни кунларда чорвадорларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Яқинда бу ижодий коллектив аъзолари «Политотдел», «Правда» ва Свердлов номи колхоз молбонларини хузурида бўлиб, концерт номерларини намоийш этдилар. Чорвадорларда аynиқса ан-

самбл солистларидан М. Камолитдинов, С. Исмоилов, М. Темиркуловларнинг ўзбек, қозоқ, тожик тилларида ижро этган қўшиқлари катта таассурот қолдирди.

З. ТОЖИБОВ.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ВОЛЕЙБОЛ

♦ АЕЛЛАР ўртасида олий лига командалари қатнашчилари саралаш учрашувларининг сўнгги тур ўйинларини ўтказишмоқда. Свердловск шаҳрида қатнашадиган Тошкентнинг «Автомобилист» волейболчилари дастлабки ўйинини Минскнинг «Коммунальник» коллективи билан ўтказишди. Биринчи бўлимдагина вакилларимиз рақибларига муvосиб қаршилик кўрсатолдилар. Ҳисоб 14:16 бўлди. Лекин кейинги бўлимларда ташаббусни бутунлай бериб қўйиб мағлубиятга учрадилар.

ШАХМАТ

♦ ЖАҲОН биринчилиги даъвогарлари чорак финалида қатнашадиган Анатолий Карпов испандиялик Йохан Хьяртсон билан бўлган баҳсининг учинчи партиясида қора доналар билан ўйнаган бўлишига қарамай, 33-юришда голуб келди ва 2,5:0,5 ҳисобида олдинда бормоқда.

Редактор
Н. НАСИМОВ.ТОШКЕНТ
ХАКИКАТИ

(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома
Коммунистической партии
Узбекистана и областного
Совета народных депутатов
Издается на
узбекском языке
Редакция адреси:
700083, ГСП, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48,
32-53-54 хатлар ва оммавий
ишлар бўлими.